



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Теймураз Ахалмосулишвили
*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат
техника университети*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Толипов Файзулла Саидович
Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1.Гулчехра Азизовна Агзамова XVI-XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ХОРАЗМДА КЕЧГАН УРБАНИЗАЦИОН ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИДАН.....	4
2.Илёсхон Мухиддинович Бурхонов «ЗАКОТ» - ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДА АДОЛАТ ВА МУТАНОСИБЛИК ОМИЛИ.....	11
3.Зумрад Касимова УЙЎУР АДАБИЁТИ ТАРИХИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.....	16
4.Муродулла Мирзаев ЎЗБЕКИСТОН АСОСИЙ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ.....	21
5.Сайёра Турғуновна Мирсоатова, Раънохон Ўринбой қизи Аҳмадалиева ЎЗБЕКИСТОНДА МЕЗОЛИТ ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ.....	30
6.Акмалжон Марозиқов ФАРҶОНА ВИЛОЯТИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ –ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	37
7.Shoirra Sayfiyevna Ochilova O'RTA ASR UYG'ONISH DAVRI SHARQ ALLOMALARINING INSONPARVARLIK - GUMANISTIK G'OYALARI.....	43
8.Нилуфар Ахматовна Жумаева, Феруза Холмаматовна Утаева ЗИРОАТЧИЛИК ҲОМИЙСИ - БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР (Бухоро воҳаси мисолида).....	49
9.Dilrabo Shomurodovna Murodova BUXORO VILOYAT DAVLAT ARXIVI MANBALARINING O'ZBEKISTON TARIXINI YORITISHDAGI ANAMIYATI.....	56
10.Жасур Жамшитжонович Якобжанов МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ.....	61
11.Гулсина Исмойиловна Ҳошимова ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....	68
12.Kurbanov Golib Negmatovich SO'NGGI O'RTA ASRLAR BUXORO AN'ANALARI VA MAROSIMI.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Жасур Жамшитжонович Якобжанов,
ЎзР ФА Тарих институти
Таянч докторанти
j.yakobjanov@mail.ru

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ АДАБИЁТЛАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТЧИЛИГИ МАСАЛАСИ

For citation: Zhasur Zhamshitzhonovich Yakobzhanov. THE ISSUE OF STATEHOOD OF THE KOKAND KHANATE IN THE LITERATURE OF THE INDEPENDENCE PERIOD. Look to the past. 2020, vol. 5, issue 3, pp.61-67



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-5-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Қўқон хонлигида давлат бошқарув тизими, мансаб ва унвонлар, қўшин тузилиши каби масаларнинг мустақиллик даврида яратилган тадқиқотлар ҳамда ушбу даврда қайта нашр этилган манбаларда ёритилиши каби маълумотлар ўрин олган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, Чодак хожалари, Минг сулоласи, хон, амир, кенгаш.

Жасур Жамшитжонович Якобжанов,
Институт истории АН РУз базовый докторант
j.yakobjanov@mail.ru

ПРОБЛЕМА ГОСУДАРСТВЕННОСТИ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА В ЛИТЕРАТУРЕ ПЕРИОДА НЕЗАВИСИМОСТИ

АННОТАЦИЯ

Эта статья содержит информацию о системе правления в Кокандском ханстве, должностях и званиях, структуре армии, исследованиях периода независимости, а также освещение переизданных источников за этот период.

Ключевые слова: Кокандское ханство, Чодак Ходжас, династия Минг, хан, амир, совет.

Zhasur Zhamshitzhonovich Yakobzhanov,
Institute of History AS RUz Basic doctoral student
j.yakobjanov@mail.ru

THE ISSUE OF STATEHOOD OF THE KOKAND KHANATE IN THE LITERATURE OF THE INDEPENDENCE PERIOD

ABSTRACT

This article contains information on the system of government in the Kokand Khanate, positions and titles, the structure of the army, research on the period of independence, as well as coverage of republished sources during this period.

Index Terms: Kokand khanate, Chodak khojas, Ming dynasty, khan, amir, council.

1. Долзарблиги:

Кўқон хонлиги юртимиз давлатчилиги тарихида нисбатан камроқ давр ҳукмронлик қилган бўлса-да, Ўрта Осиёхалқларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида катта роль ўйнаган. Хонлик қўшни давлатларнинг ҳам сиёсий ва иқтисодий ҳаётида доим муҳим ўрин тутган бўлиб, Ўрта Осиёдаги сиёсий вазиятнинг ҳолатига жиддий таъсир кўрсата олган. Шу жиҳатлари билан XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бугунги кунгача Кўқон хонлиги тарихини ўрганиш тарихчилар эътиборини ўзига жалб қилиб келмоқда.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақолада тарихийлик, хронологик ва қиёсий-таҳлил усулларида фойдаланилган бўлиб, мустақиллик йилларида ушбу масала хусусида яратилган бир қанча тадқиқот ишлари ҳамда қайта нашр этилган манбаларда ўрганилаётган масала юзасидан билдирилган айрим фикр ва мулоҳазалар таҳлил этилган.

3. Тадқиқот натижалари:

XVII аср охири XVIII аср бошларида Ўрта Осиё ҳудудларида кечган сиёий вазият Фарғона мулкининг мустақилликка эришиши ҳамда мустақил ҳокимиятни шакллантириш учун шароит яратиб беради. Бу вақтда Фарғона мулкида ҳокимиятни эгаллаш учун етарли мавқега эга бўлган икки куч мавжуд бўлиб, бири Минг хонадони вакиллари бўлса, иккинчиси Чодак мавзеида турувчи ҳожалар жамоаси эди. Бу ҳақда “Тарихи Туркистон” асари муаллифи қуйидагиларни ёзади: -“... баъзи ўзбеклар сўзи бўйинча Хўқанд шаҳри аввал вақтларда тартиб тобмай, Чодак мавзеида хўжа жамоалари туруб, баъзи атроф жавониблардан, чунончи, Тарғова, Чамашбий, Чанкат ва Пиллахон ва Тўқайтепа ва Пуртак ва Тепакўрғон ва Қайнар, буларга ўхшаш бошқа бир неча кентлар аларни тахти ҳукуматларида бўлуб, хўжалар ҳукмронлик қилар эканлар”[1:45.].

Адабиётларда Чодак хожаларининг Минг хонадони вакиллариининг ҳокимият тепасига келишига ёрдам кўрсатганлиги айтиб ўтилади[2:98.]. Мирзо Олим Маҳдумхожа ҳам ўз асарида бу воқеалар хусусида шундай дейди, -“Ўшал мавзеда барча ўзбеклар бир тўйда жамият айлаб... Салтанат хусусида кўп маслаҳатлар қилиб, ... Тарғова мавзеига йиғилишиб, Шохруххонни хон кўтарибдурлар”[1:46.]. Асарнинг кейинги қисмларида муаллиф томонидан Шохрухбийнинг ҳокимият борасида амалга оширган сиёсати ҳамда курашлари тавсифлаб берилган. Бунда атрофдаги ноҳиялар ва қишлоқлар аҳолисининг унга тобелик билдириши, кўшгина аҳолининг унга сипоҳгарлик учун келиши ва кўшин таъминотига ёрдам кўрсатишлари, Шохрухбийнинг ҳокимияти Наманган ҳудудларига ҳам ёйилганлигини кўрсатиб ўтади[1:46-47.].

Минг сулоласи ҳукмдорларининг давлат бошқарувидаги фаолияти Мулло Олим Маҳдумхожанин асарида бирмунча батафсил баён этилган бўлсада, Мирзо Раҳим Тошкандийнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин”, Ибратнинг “Тарихи Фарғона”, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг “Тарихи жаҳоннамои” каби асарларида ҳам бу ҳақда кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган.

Кўқон хонлигини ўрганиш борасида салмоқли иш олиб борган Ҳ.Бобобековнинг тадқиқотларида ҳам Олимхон томонидан тузилган кўшин борасида фикрлар келтириб ўтилган: - “Олимхон даврида Кўқоннинг сиёсий аҳамияти ошади. У тоғли тожиклар: қоратегинлар, шўғнонликлар, бадахшонликлар, эронликлар ва бошақалардан иборат ёлланма аскар кўшинини тузадн. Бу кўшин ҳокимиятни марказлаштириш учун курашда унинг суянчиғи, таянчи бўлади ва у тузган катта кўшиннинг ядроси (ўзаги) бўлиб қолади”[3:25-26.]. Олимхоннинг ҳукмронлик давридаги юритган сиёсати ва айниқса унинг дин ишлари масаласидаги айрим сиёсати борасида, унинг дин уламоларига нисбатан қарашлари ва бир

қатор маросимлар ва одатларни бартараф этишга қилган уринишлари ҳақида В.П.Наливкин ва Т.Бейсембиевнинг ишларига иқтибос келтирган ҳолда Б.Бабаджанов ҳам тўхталиб ўтади[4:638-639.]. Тарихчи Б.Эшовнинг бу борадаги фикрлари ҳам юқоридаги маълумотларни тўлдириб келади: - “Хонликнинг минг қабиласидан бўлган ҳокимлар турли йилларда Шаҳрисабз, Ургут, Моғиён, Урмитан вилоятлари ва бекликларида ҳам ҳукм сурганлар. Олимхон давригача (1798 й.) минг уруғи бошлиқлари XIX асрнинг бошларида бий унвони билан ҳокимиятни бошқарганлар. Олимхон 1805 йилда ўзини расман хон деб эълон қилди. Хон унвони билан ҳокимиятни бошқарган Умархон (1810-1822 йй.) 1818 йилда ўзини “амир ул-муслимин” деб эълон қилди. 1822 йилда Мухаммад Алихон ҳам хон унвони билан тахга ўтирган. Хон авлодлари хонзода, амирзода, мирзода, шахзода, тўра деб аталганлар”[5:367-368.].

Ўрганилаётган даврда Ш.Маҳмудов томонидан амадга оширилган “Қўқон хонлигининг маъмурий – бошқарув тизими (1709-1876 йй.)” мавзусидаги диссертацияси алоҳида ўрин тутди. Диссертация асосан Қўқон хонлигининг шаклланишдан бошлаб сўнгги давригача бўлган давлатчилик жараёнлари ва бошқарув тизими масалаларининг кенг ва батафсил ёритиб берилганлиги ва айниқса бу борада муаллифнинг манбалар ва ҳужжатларга асосланган ҳолдаги қарашлар таҳлил этилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, диссертацияда Фарғона водийсини аввал Чодак хожалари эмас, балки Шоҳруҳбийнинг ўзи тўғридан-тўғри аштархонийлардан ажратиб, мустақил давлатга асос солганлиги тўғрисида бир қатор манбалар асосида мавжуд қарашларни тўлдирувчи янги фикрлар илгари сурилган. Шунингдек, Минглар сулоласи вакиллари томонидан давлатни марказлаштириш борасида юритилган сиёсат, давлат бошқарувининг амалга оширилиши, айрим ҳукмдорларнинг бошқарувдаги ўзига хосликлари, давлатнинг яхлитлиги, халқнинг фаровонлиги, солиқ ва иқтисодий масалаларни қанчалик ташкил қила олганлиги борасида ҳам бир қатор маълумотларни учратиш мумкин[6:24-26.]. Шунингдек, диссертацияда муаллиф томонидан хонлик ҳудудларининг турли даврларда ўзгариб бориши, давлат ҳудудларининг маъмурий бирликларга бўлиниши, бошқарув тизимининг такомиллашиб бориши, бекликлар ва вилоятлар, уларнинг Қўқон хонлиги таркибига киритилши, маъмурий ҳудудларнинг ўзига хосликлари, улардаги бошқарувни амалга оширувчи ҳокимият тизими ҳамда уларнинг ваколатлари, вазифалари ҳақида манбалар таҳлили асосида янги илмий хулосалар илгари сурилган. Ҳар бир маъмурий ҳудуд ва унинг маъмурий маркази жадвал асосида кўрсатиб берилган. Давлатнинг марказий бошқарув органлари ва унинг фаолияти билан боғлиқ кўплаб маълумотлар келтирилган ва бу бошқарув органининг фаолиятини тўлиқ ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Бу борада муаллиф томонидан жуда кўплаб манбавий маълумотлар ва мавжуд илмий қарашлар ўзаро таққосланиб, ягона умумлашган илмий хулосалар берилган.

Ушбу илмий хулосалар ўзбек давлатчилигининг таркибий қисми бўлган Қўқон хонлиги давлат бошқарув тизими ва умуман ўзбек хонликлари давлатчилиги хусусиятлари борасидаги мавжуд маълумотларни янада тўлдиришга хизмат қилади.

Қўқон хонлиги тарихи бўйича бир қатор тадқиқотларни амалга оширган Ш.Воҳидовнинг таъкидлаб ўтишича, Олимхон даврига қадар (1798-1810йй.) Мингуруғи етакчилари “бий” унвонида юритилиб, Олимхон 1805 йили биринчи бўлиб ўзини “хон” деб эълон қилди[7:15.]. Олимхоннинг ҳукмронлиги ва давлат бошқаруви соҳасидаги фаолияти борасида тарихчилар томонидан айрим фикрлар билдириб ўтилган. Ҳ.Бобобеков Олимхоннинг ўзига хос тарихий шахс эканлиги ҳақида сўз юритиб, -“У диний пойдевори қайтадан ташкил этиш учун қатор чоралар кўради.... Айрим диндор арбобларнинг тўғри ибодат қилишини текшириш мақсадида имтиҳон қилади (синаб кўради) ва ёлгончилиги фош қилинганларни жазолайди. Диндор руҳонийлар Олимхоннинг бу ҳатти-ҳаракатидан норози бўладилар. Унинг Тошкентдалигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар, у ўлдирилди, деб миш-миш тарқатадилар. Тахтга унинг укаси Умар ўтқазилади. Олимхон хиёнатни билиб қолиб, қисқа йўл билан Қўқонга жўнайди, йўлда эса пистирма қўйилган эди. Олимхон 1810 йилда “Олти қуш” деган жойда отиб ўлдирилади. Қотил андижонлик Қамбар Мирзо эди”[3:26].

Б.Бабаджановнинг тадқиқотларида Олимхоннинг тахтга келиши жараёни тафсилотлари ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш борасида юритган сиёсати ва амалга оширган сиёсий ва ҳарбий тадбирлари борасида бир қатор маълумотлар келтириб ўтилган. Муаллифнинг таъкидлашича, ҳокимият тепасида мустаҳкамланиб олган Олимхон энг аввало хонликнинг ҳарбий салоҳиятини кучайтиришга эътибор қаратиб, ўз даври учун кучли ёлланма қўшин ташкил этади, қўшин таркиби асосан Дарвоз, Кўлоб, Кўхистон ва Афғонистоннинг айрим вилоятларида яшовчи тожиклардан иборат бўлганлигини кўрсатиб ўтади[4:118].

“История Кокандского ханства. Библиографический указатель с иллюстрациями XVIII век - 1876 г.” рисоласининг муаллифлари Олимхоннинг хон сифатида ҳокимиятни тўлалигича ўз қўлига олганидан сўнг Фарғонада ўзининг тўла мустақил бошқарувига эга бўлган давлат шаклланганлиги кўрсатиб ўтишади[8:26]. Олимхон ҳукмронлиги йилларида Қўқон хонлиги давлатчилиги тарихида амалга оширилган энг йирик воқеа Тошкент беклигининг хонликка қўшиб олиниши бўлди, деб кўрсатиш мумкин. Тошкент беклиги ва Қўқон хонлиги ўртасидаги 1798-1808 йиллар давомида бир неча бор амалга оширилган ҳарбий тўқнашувлар охир-оқибат Тошкентнинг хонлик томонидан босиб олиниши билан аяқланди.

Шу ўринда Олимхоннинг ҳукмронлик йиллари ва айниқса унинг ҳокимият тепасига келган санаси борасида айрим ихтилофлар ҳам кўзга ташланади, масалан, Б.Эшовнинг тадқиқотларида Олимхоннинг тахтга ўтирган йили 1798 йил[5:367-368.], Б.Бабаджановнинг тадқиқотида эса Норбўтабийнинг вафоти ва Олимхоннинг тахтга ўтириш 1798 йил июнь ойи этиб кўрсатилган бўлса[4:117.], Ҳ.Бобобековнинг китобида бу сана 1801 йил этиб кўрсатилган ва бунда сўнгги санада ноаниқликка йўл қўйилган[3:25].

Олимхондан сўнг тахтга келган Умархон давлатнинг бошқарув тизимида ҳам бир қатор ислохотларни амалга оширди. У марказий бошқарув тизимини янгидан ислоҳ қилиб, ўша давргача Қўқонда мавжуд бўлмаган мингбоши, шайхулислом кабирмансабларни жорий этди. Умархон мазкур ислохотда ўрта аср шароитида муҳим сиёсий ва маънавий куч бўлган дин пешволарига алоҳида эътибор қаратиб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлади.

Умархон (1810-1822 йй.) ўзини 1818 йили “амир ал-мўминин” деб эълон қилиб, диний бошқарувни ҳам ўз қўлига олади. Умархон ҳукмронлиги йилларида Қўқон хонлигида марказий ҳокимият кучайтирилди, бунинг натижасида эса мамлакатда ички савдо муносабатлари барқарор ривожланиш йўлига ўтди. 1818 йилда Умархон рухонийларнинг розилиги билан “амир ал-муслимин” унвонини олиб ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади.

Умархоннинг вориси Муҳаммад Алихон эса яна “хон” тахтига кўтарилди. Хон авлодларини хонзода, амирзода, мирзода, шаҳзода, тўра деб айтардилар. Хонликдаги давлат низоми мутлақ яққа ҳокимлик бўлиб, фақат маълум тарихий даврларда унинг салоҳияти ва қудрати чеклаб қўйилган эди. Бундай ҳол Мусулмонкулининг мингбоши ва оталиқ бўлган даврида (Худоёрхон замонида 1844-1852 йиллар), Алиқулининг амирлашқарлик ва вазирлик даврида (Султон Саидхон хон бўлган вақти 1863-1865 йиллар) рўй берган. Хоннинг кучи ва қудрати маълум иқтисодий асосларга ва ижтимоий гуруҳларга таянарди. Хон энг катта мулкдор сифатида хонликдаги ҳамма ер, сув, қуруқликлар, қўлу анҳорларга эгаллик қилиб, улардан закот ва хирож шаклида даромад олиб, хазинасини тўлдирарди. Сарой ҳаражатлари, қўшини ва маъмурият амалдорларининг таъминоти шу ҳисобдан таъминланарди[8:3.].

М.Ахмедова Қўқон хонлиги давлат бошқарув тизими ва бошқарувда тартиблар ҳақида сўз юритиб, “Қўқон хонлиги давлат шакли мутлақ монархия бўлиб, давлат хон томонидан бошқарилган. Бошқарув тизими шариат қонун-қоидалари асосида ўрнатилган бўлиб, марказий ва маҳаллий бошқарувни амалга оширувчи идоралар ўз вазифаларига эга бўлган. Хон ҳузурида Олий маслаҳат кенгаши фаолият юритган бўлиб, унда давлат миқёсидаги ишлар кўрилган эди. Шайхулислом Олий кенгашнинг доимий аъзоси бўлиб, кенгашда қипчоқлардан ҳам тўрт нафар аъзо иштирок этишлари шарт ҳисобланган”лигини кўрсатиб ўтади[9:46-48.]. Шу ўринда хонликнинг давлатчилиги жараёнларига ўта жиддий

таъсир кўрсатган сиёсий жараёнлар ва айниқса марказий ҳокимият ва тахт атрофидаги ўзаро курашлар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаб ўтиш керакки, XIX аср ўрталарида ғарб ва жанубда Бухоро амирлиги билан, шимол ва шарқда Россия империяси ҳамда Шарқий Туркистон билан чегарадош бўлган Қўқон хонлиги ҳудудлари ташқи давлатлар билан савдо ва дипломатик алоқалар олиб боришда қулай геополитик афзалликларга эга эди[10:4.]. XIX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллари бошларига келиб, Қўқон хонлигининг ички сиёсий аҳволи бирмунча мураккаблашди. Айни вақтда Россия империясининг Қўқон хонлиги ички ҳудудларини ишғол қилиш мақсадидаги ҳарбий юришларининг кучайиши ташқи сиёсатнинг кескинлашувиغا олиб келди. Шунингдек, Бухоро амири ҳомийлиги ва кўмагида Худоёрхоннинг тахтни эгаллаш учун олиб борган курашлари оқибатида юзага келган норозилик ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатга бирдек таъсир кўрсатсада, шу вақтда хонлик сиёсий ҳаётида каттагина мавқега эга бўлган Алиқули Амирлашкар сиёсий кучларнинг салмоқли қисмини ўз атрофида жипслаштиришга қисман эришди. Бироқ бу билан хонликдаги ички умумий вазиятни барқарорлаштиришга эришиб бўлмади, сабаби халқнинг жуда катта қисми авж олиб кетган ўзаро урушларда деярли ҳеч бир томонни қўллаб – қувватламади[10:52-55.].

XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашуви ва хонликда ички сиёсий кескинликларнинг кучайиб бориши масалаларига ҳам бир қатор тадқиқотчилар алоҳида тўхталиб ўтганлар. Тарихчи Ш.Камолиддин хонлик тарихига оид тадқиқотларида Россиялик сиёсатчилар ва тарихчиларнинг XIX аср ўрталарида ва иккинчи ярмида Қўқон хонлигида марказий ҳокимиятнинг заифлашганлиги, сиёсий беқарорликнинг кучли бўлганлигига алоҳида урғу берилишини Россия империясининг босқинчилик сиёсатини оқлашга бўлган уриниш сифатида баҳолаганлигини кўрсатиб ўтади[11:16.].

Тарихчи Б.Эшов бу жараёнларнинг тўртта сабабини асосий омиллар сифатида кўрсатиб ўтади: “XIX асрнинг ўрталарига келиб Қўқон хонлигидаги сиёсий жараёнлар ҳамда ички аҳвол янада оғирлашган эди. Сўнгги тадқиқотларга кўра, бунинг сабаби биринчидан, ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлган қипчоқлар ҳокимиятни тан олмаганлар. Хонлик ҳудудларидаги баъзи вилоят ҳукмдорлари Мусулмонқулига қарши чиқдилар. Иккинчидан, ҳокимиятда юқори мавқени эгаллаш ҳамда хонга таъсир ўтказиш учун қипчоқлар орасида ҳам ўзаро курашлар борарди. Бу курашларда қипчоқларнинг ғулон уруғидан бўлган Мусулмонқули ҳам фаол иштирок этган. Учинчи сабаб эса, қипчоқларнинг ўтроқ аҳолига нисбатан юритган сиёсати эди. Қипчоқлар ўтроқ аҳолига нисбатан беписандлик назари билан қараб, бошка элат ва этник гуруҳларни камситганлар. Тўртинчидан эса, ташқи омил - Россия империясининг аста-секинлик билан хонлик ҳудудларига бостириб кириши сиёсий жараёнларнинг янада кескинлашувиغا сабаб бўлган эди”[5:361.].

XVIII аср охири – XIX аср бошларида Олимхон (1798-1810), Умархон (1810-1822) ва қисман Муҳаммад Алихон ҳукмронлиги йилларида (1822-1841) бирмунча кучли ва марказлашган давлатга айланган Қўқон хонлиги XIX аср ўрталарига келиб, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан инкирозга учрай бошлаган бўлсада, ўзининг куч - қудратини сақлаб турадди.

XIX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Қўқон хонлигида сиёсий танглик юзага кела бошлади. Бу биринчи галда ўзаро ички кураш ва низолар билан белгиланса, иккинчидан Россия империясининг хонликка нисбатан босқинчилик юришлари билан белгиланади. Хонликдаги бу ички норозиликлар марказий ҳокимиятнинг заифлашувиغا олиб келиши билан бирга хонликнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши жараёнларини тезлаштириб юборди. Натижада мамлакатда халқ кўзғолонлари бошланиб кетди. Ушбу жараёнда хонликда бир-бирига қарши сиёсий кучлар юзага келди.

Хонликда юзага келган сиёсий танглик бунга Туркистон генерал-губернаторлигининг муносабатини ўзининг тадқиқотида Ҳ.Бобобеков қуйидаги фикрларни келтириб ўтади. “...Кўрсатиб берувчи архив ҳужжатларига асосланган қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқдир: “Худоёрхон Қўқондан қочиб кетганидан сўнг унинг катта ўгли Насриддинбек тахтга ўтиради. Насриддинбек 1875 йил 25 (айрим маълумотларга кўра 24) июлда тахтга

ўтирган. Бу ҳақда унинг 28 июлда Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман номига ёзган мактубида айтилган. Шу ҳақда Абдурахмон офтобачи ҳам Туркистон генерал-губернатори номига батафсилроқ ёзган. К.П.Кауфман ўз жавоб хатида Насриддинбекка у олдинги хонлар олган мажбуриятларни бажарадиган бўлганини расман хабар берганидан кейин уни хон деб тан олишини ёзади ва тезда шу ҳақда жавоб хатини талаб қилади. Демак, жавоб олмагунга қадар Насриддинбекни хон сифатида тан олмайди. Туркистон генерал-губернатори Насриддинбекдан жавобни кутмасдан, 1875 йил 6 августда Россия ҳарбий вазирига мактуб ёзади. Унда агарда Кўқонда янги ҳокимият русларга дўстлик муносабатида бўлмаса, хонлик батамом босиб олиниб, Россияга қўшилиши айтилади”[3:84.].

Шу тариқа тахтга Кўқоннинг сўнги хони Насриддинбек ўтиради, бироқ бу вақтга келиб хонлик ўзининг шимолий-ғарбий худудларидан тўлалигича маҳрум этилган, хонликда эса марказий ҳокимият ўта даражада заифлашиб қолган эди, айрим сарой аъёнлари, жумладан Абдурахмон офтобачи, Абдуллабек кабиларнинг марказий ҳокимиятга таъсири ўта даражада кучайиб кетган бўлиб, бу ҳолат Пўлатхон ва Насриддинбеклар ўртасидаги зиддиятлар ва хонликда икки ҳокимиятчиликнинг юзага келишида яққол намоён бўлганди. Бу ҳақда Ҳ.Бобобеков ўзининг “Кўқон тарихи” китобида Пўлатхон ва Абдурахмон офтобачи бошчилигидаги кучларнинг қарама-қаршилигини кўрсатса[3:85.], Б.Бабаджанов бу жараёнларда қирғиз Абдуллабекнинг ҳам таъсирини кўрсатиб ўтади[4:543.]. 1875 йил 22 сентябрь куни Марғилонда Насриддинбек ва Кауфман ўртасида шартнома имзоланиб, Насриддинбек ўзининг Россияга тобе эканлигини билдирди. Бу шартномада кўзда тутилишича, Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар, Наманган, Чуст Россия ихтиёрига ўтди ва хонлик 2 миллион сўм товон тўлаш мажбуриятини олди. Бу ерда ташкил этилган Наманган бўлимига М.Д.Скобелев бошлиқ этиб тайинланди.

1876 йил 19 февралда Кўқон хонлигининг ерлари Россия империяси қўшини томонидан тўлиқ босиб олиниб, Фарғона вилояти тузилади. Шундай қилиб, 150 йилдан кўпроқ мавжуд бўлган Кўқон давлати барҳам топади.

1. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг барча соҳалар қатори замон руҳига мослаб, холислик тамойили асосида тарих фанида ҳам янгидан-янги изланишлар олиб борилди. Бунинг натижасида бир қанча ўз ечимини топмаган ёки бўлмаса нотўғри талқин қилиниб келинган масалалар объектив кўриниш олди.

Кўқон хонлигида давлатчилик жараёнларида Ўрта Осиёдаги мавжуд анъаналарни давом эттириши билан бирга бу ерда ўзига хос бошқарув тизими, лавозим ва мансаблар бўлганлигини кўриш мумкин.

Ўз даврида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётида фаол қатнашган Кўқон хонлиги ўзбек давлатчилиги тарихида ўчмас из қолдирди. Кейинчалик хонликда юз берган ички низолар сиёсий инқирозга ҳам олиб келдики, бунинг оқибатида мамлакат Россия империясининг тажовузига учраб, бир ярим асрдан ортиқроқ ҳукм сурган мустақил давлат тўлиқ босиб олинди.

Мустақиллик йилларида яратилган адабиётлар, қайта нашр этилган манбалар таҳлилидан Кўқон хонлигидаги давлатчилик жараёнлари, бошқарув тизими, ва ундаги мансаб, унвонлар хусусида бир қанча янги маълумотлар илмий муомалага киритилганини кўриш мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References:

[1] Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон. Тошкент, Янги аср авлоди. 2009. 244 б. (Mirzo Olim Mahdumhoji. Tarixi Turkiston. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2009. 244 b.)

[2] Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш... 29-бет; Тошкент: Шарқ, 2010. 478 б. (Ziyoyev H. Turkistonda Rossiya tajovuzi va hukmronligiga qarshi kurash. –Toshkent: Sharq, 2010. 478 b.)

- [3] Бобобеков Х. Қўқон тарихи. Тошкент: Фан, 1996. 240 б.(Bobobekov H. Qo'qon tarixi. –Toshkent: Fan, 1996. 240 b.)
- [4] Бабаджанов Б.М. Кокандское ханство - власт, политика, религия. Токио-Ташкент:“Yangi nashr”,2010. С 744. (Babadjanov B. M. Kokandskoe xanstva – vlast, politik a, religiya. Tokio-Tashkent. “Yangi nashr, 2010. 744 b.)
- [5] Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.558 б. (Eshov B. O'zbekistonda davlat va mahalliy boshqaruv tarixi. –Toshkent: Yangi asr avlodi, 2012. 558 b.)
- [6] Махмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий - бошқарув тизими (1709-1876 йй.). Тарих фан. номз. ...дисс. Тошкент, 2007. 168 б. (Mahmudov Sh. Qo'qon xonligining ma'muriy – boshqaruv tizimi (1709-1876). -Toshkent, 2007. 168 b.)
- [7] Воҳидов Ш., Ҳолиқова Р. Марказий Осиё бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 74 б. (Vohidov Sh., Xoliqova R. Markaziy Osiyo boshqaruv tarixidan (XIX-XX a s r b o sh l a r i). -Toshkent: Yangi asr avlodi. 74 b.)
- [8] Игамбердиев А., Амирсайдов А. ИсторияКокандскогоханства. Библиографическийуказатель с иллюстрациямиXVIII век – 1876 г. Ташкент, 2007. 124 б. (Igamberdiyev A., Amir Saidov A. Istoriya Kokandskogo xanstva. Bibliograf icheskiy ukazatels illyustratsiyami XVIII vek – 1876 g.) -Tashkent, 2007. 124 b.)
- [8]Воҳидов Ш. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар.// www.kh.davron.uz. (Vohidov Sh. Qo'qon xonligidagi unvon va mansablar. //www.kh.davron.uz.)
- [9] Ахмедова М. Қўқон хонлигининг марказий ва маҳаллий бошқаруви.// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2009. № 2. 45-49-бетлар. (Axmedova M. Qo'qon xonligining markaziy va mahalliy boshqaruvi.// Falsafa va huquq. 2009. № 2. 45-49-b.)
- [10] Илҳомов З.Амирлашкар тарихи. –Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2013. 132 б. (Ilhomov Z. Amirlashkar tarixi. –Toshkent: Nizomiy nomidagi TDPU. 2013. 132 b.)
- [11] Шамсиддин Камолиддин. Проблемы истории Кокандского ханства. LAMBERT Academic Publishing. 2013. 327б. (Shamsiddin Kamoliddin. Problemi istorii Kokondskogo xanstva. LAMBERT Academic Publshing. 2013. 327 b.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 5

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000